



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 30 август, № 170 (5590)

Пайшанба

## ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўлланма ислохотлар, улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, янгидан-янги sanoat корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо марказлари, тураржойлар, йўллар барпо этиш изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуг ва энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш аниқ айланди. Ана шу хайрли аниқнага мувофиқ, истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда қўллаб янги иншоотлар қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотларнинг айримлари билан танишди. Президентимиз академик В. Вохидов номидидаги Республика иختисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуасига ташриф буюрди. Ҳаётимиз раҳбаримизнинг тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар қўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаёт-

ган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётди. Кардиожарроҳлик мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг ёрқин намунаси.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидандир. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Маъжмуанинг биринчи қаватида кунига икки юз беморни кўришдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шариқта даволадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган.

Бинонинг иккинчи қаватида уч ёшга бўлган болаларнинг тумга юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлими ҳамда ангиографик жарроҳлик хоналари мавжуд. Учинчи қаватда кардиожарроҳ-

лик бўлимнинг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлими, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари жойлашган. Тўртинчи қават эса реанимация бўлими ва иккита кардиожарроҳлик хоналарига эга.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, жарроҳлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббий техника ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

— Жарроҳликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ўрнатилганда уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш керак, — деди Президентимиз. — Бу жараёнларнинг замирида инсоннинг соғлиги, ҳаёти мўжасам эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Жарроҳлик соҳасини янада тараққий эттириш учун ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни дунё ҳамjamiyatига кенг намойиш этиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустақамлаш зарур.

Бундай марказларнинг ташкил этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замона-

вий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат қўламини янада кенгайтириш, диагностика ва даволаш борасидаги юксак технологияларни ўзлаштириш ҳамда улардан амалда оқилона фойдаланиш имкониятини бераётди. Республика иختисослаштирилган жарроҳлик марказида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган — стационар ва амбулатор шариқта ҳар йили қарийб ўттиз беш миң беморга маслаҳат-ташхис ва даволаш хизмати кўрсатишмоқда.

Марказнинг ўзида яратилган ишланмалар асосида мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, бу инсон ҳаёти учун муҳим органларни қайта тиклаш жарроҳлигига тааллуқлидир. Бу борада ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилди, микрожарроҳлик ва кардиожарроҳлик хизматини ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ минтақамизда жигар циррози ва унинг

асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир.

Ушбу марказнинг фаолияти Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли юксак самара бераётганидан ёрқин далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Бунёдкор” футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолияти билан танишди.

Футболни ривожлантириш, ўзбек футболининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида “Бунёдкор” футбол мажмуасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди. Ушбу мактаб келажақда халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириш учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёрлов, такомиллашув каби уч босқичда тахсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради.

Мактаб мажмуаси ўқув-маъмурий корпус, ётоқхона, спорт зали, сув хавзаси, ошхона биноларини ўз ичига олган. Ҳаётимиз раҳбарининг дам олиш хоналари, мажлислар зали мавжуд.

Синф хоналари ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳар бири 2 ўқувчига мўлжалланган ётоқхоналарда барча шарт-шароит мавжуд.

Мактабдаги сузиш хавзасини сувга тўлдириш, иситиш, филтрлаш, тўкиш тизимлари тўлиқ автоматлашган, замонавий юқори технологик ускуналар билан таъминланган. Бу ерда тиббий бўлим ҳам мавжуд.

Президентимиз бу ерда тахсил оладиган болалар ва ўсмирларнинг нафақат футбол бўйича маҳоратини оширишга, балки бошқа фанлар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда ушбу мактаб учун махсус дастур тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақам сиҳат-саломатлик, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин қалбдан эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси ва Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан йўлланган табрикларда шундай дейилади:

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст халқингизга Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, хитой халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар ва энг эзгу тилақларимизни йўлламан.

Мустақиллиқнинг 21 йили мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг узоқни кўзлаган раҳбарлигининг остида Ўзбекистон ижтимоий уйғунлик ва барқарорликни муттасил сақлаб келмоқда, иқтисодийнинг устувор даражада ривожланишини таъминламоқда ва ўзининг тараққиёт йўлига амал қилган ҳолда ғоят катта ислохотларни олиб бормоқда ва халқаро ҳамjamiyatнинг эътирофи ҳамда хурматига сазовор бўлмоқда, бунга эса Хитой томони Ўзбекистоннинг самимий дўсти ва ишончли шериги сифатида чин дилдан қувонмоқда. Ўзбекистонга Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлиги остида давлат қурилиши соҳасида яна ҳам ёрқинроқ муваффақиятларга эришишини тиламан ва бунга менинг ишончим комил.

Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин ўтган 20 йил давомида икки томонлама муносабатлар соғлом ва барқарор тарзда изчил ривожланиб бормоқда. Ҳар иккала томон сиёсий соҳада бир-бирига ишонч билан қарайди, иқтисодийта ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттирмоқда, хавфсизлик соҳасида мустақам алоқаларни сақлаб қолмоқда ва халқаро ҳамда минтақавий масалаларда ўзаро мадд ва ёрдам кўрсатишмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Сиз, Жаноби Олийларининг Хитойга ғоятда муваффақиятли ташрифингиз амалга оширилди, Сиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгазининг йиғилишида ҳам иштирок этдингиз.

Ташриф давомида биз Хитой билан Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма Декларацияни имзоладик, бу эса икки томонлама муносабатларнинг юқори поғонага кўтарилишини таъминлади, уни янги ривожланиб босқичга олиб чиқди ва тараққиётнинг яна ҳам кенгроқ истиқболларини очди. Мен Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш борасида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда саъй-ҳаракат қилишга тайёрман, бу шериклик иккала давлат ва халқларнинг манфаатлари йўлида тўлақонли ва бой мазмунга эга бўлади.

Ўзбекистонга куч-қудрат ва равнақ, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ тилайман ва энг эзгу истакларимни ихор қиламан.

Ху Цзиньтао,  
Хитой Халқ Республикаси Раиси

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари! 1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан мен Ўзбекистон халқини Америка Қўшма Штатлари халқи ва шахсан ўз номимдан мунорабобд этаман. Мамлакатларимиз ўзаро муносабатларимизни мустақамлаш йўлида муҳим қадамлар қўйди ва ишончим комилки, бизнинг ўзаро хурмат ҳамда эзгу ният ва интилишларимизга асосланган шериклигимиз бундан буён ҳам ўсиб, ривожланиб бораверади.

Сизга ва Ўзбекистон фуқароларига байрамни шод-хуррамлик билан ўтказишингизни тилайман. Эҳтиром ила,

Барак ОБАМА,  
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак  
Германия Федератив Республикаси Президенти Йоахим Гаук

Болгария Республикаси Президенти Росен Плевнелиев

Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, Мудофаа вазири Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд

Украина Президенти Виктор Янукович  
Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов

Ислон тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али

Қутловлар келиши давом этмоқда.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

30 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисини ўтказишга тайёрлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталар мажлисларининг ўтказилганлиги тўғрисида ва тўққизинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан ҳарор-

лар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бунга ялпи мажлисида йиғирма тўртта масала кўриб чиқишти мўлжалланмоқда, уларнинг 9 таси қонунлардир. Ялпи мажлисда кўриб чиқиладиган, давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принципларини ва стратегик устувор



йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, Ўзбекистоннинг ўрта ва узок муқаддас истиқболга мўлжалланган манфаатларини илгарчи суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизимини назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## «МУДИС»: ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОР

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишини учинчи йил кетма-кет «барқарор» деб тасдиқламоқда.

2012 йил 29 август куни «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш прогнози» шарҳини эълон қилди. Унда Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш прогнози кетма-кет учинчи йил «барқарор» рейтингини берилган. «Мудис» агентлигининг ҳисоботида қулай иқтисодий шароит, фаол инвестиция сиёсати ва банклар капиталлашувининг барқарор юқори даражаси ушбу прогнознинг асосий омиллари бўлди, деб қайд этилган. Жаҳон иқтисодийта рўй бераётган глобал нуманасибликларга қарамадан, Ўзбекистон иқтисодиёти, шу жумладан, банк-молия тизими муттасил барқарор ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва

барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори доирасида амалга оширилаётган аниқ чоратadbirlar муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

«Бизнинг фикримизча, прогноз қилинаётган 12-18 ой мобайнида Ўзбекистондаги макроиктисодий шарт-шароит банкларнинг умумий операцион муҳитига ижобий таъсир ўтказди, бунда депозитлар оқимининг ўсишидан ҳам, кредитга бўлган талабнинг ошишидан ҳам мамлакат банк тизими ютади», деб таъкидлади мазкур ҳисобот муаллифлари — «Мудис» агентлигининг бошқарувчи директори Ив Лемэй ва бош таҳлилчи — вице-президенти Ольга Ульянова.

(Давоми 2-бетда).

# ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУЊЁДКОРЛИК САЛОҲИАТИНИНГ НАМОЙИШИ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу таълим даргоҳида яратилган кенг имкониятлар, машгулотларнинг юқори савияда, энг илгор усуллар асосида олиб борилиши ёш футболчиларнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончини ошириши, шубҳасиз.

“Бунёвдор” стадионини бориб кўри.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантириш, юксак маҳорат ва профессионал кўникмаларга эга ёш футболчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор

рига биноан Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган. Бугун ушбу жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машгулот масканлари, хусусан, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётган.

Президентимизнинг 2011

йил 19 январда қабул қилинган 2011 — 2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, юртимизда янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Энг замонавий талабар асосида қурилган “Бунёвдор” стадиони диёримиз бўйлаб изчил давом этаётган бунёвкорлик ишларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқориги қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ноғиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд.

Давлатимиз раҳбари стадионда хавфсизликни таъмин-

лаш, томошабинлар маданияти масалалари хусусида алоҳида тўхталди.

Биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуг мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқимиз, деди давлатимиз раҳбари. Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар, унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор.

“Бунёвдор” стадионида спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ва қулайликлар энг замонавий талабарга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар,

ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурлари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

“Бунёвдор” стадионининг муҳандислик таъминотида алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11x7,5 метр ўлчамдаги иккита видеотабло мухлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Еритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерга ташриф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намоий қилиш учун футбол майдони четидида видеоборт мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

Ислол Каримов стадионда бир гуруҳ ёш футболчилар билан сўхбатлашди. Уларнинг орзу-интилишлари билан

қизиқди, уларга ўз совғаларини тақдим этди.

Истиқлолимиз шарофати билан бундай муҳташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлди. Бу барчамизни қувонтиради, деди давлатимиз раҳбари. Энг улуг, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган ушбу янги замонавий футбол мажмуи барчамиз учун, бутун халқимиз учун ажойиб байрам совғаси бўлди.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаётимиздаги ифодаси бўлган бундай кенг миқёсдаги қурилиш ишлари, спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бу каби иншоотлар баркамол авлодни тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши баробарида, халқимиз буюк бунёвкорлик салоҳиятининг ҳам яққол намоийшидир.

Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Олим ТўРАҚОВ, ЎЗА мухбирлари, Фарход ҚУРБОНОВ, Сарвар УРМОНОВ олган суратлар.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида муҳокама қилинади, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган қонунларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолат-

лари тўғрисида»ги, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Мажлиси Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши му-

носабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Мардлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, шунингдек, бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

## «Юксак эътибордан миннатдоримиз»

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 21 йиллиги арафасида турибми. Юртимизда байрам шуқуҳи кезиб юрган айни дамларда ортага бир назар ташлаб, эришилган ютуқ ва натижаларимизни атрофлича таҳлил қилиш одатга айланган.

### Фахр

Бугун чексиз фахр ила эътироф этаск арийдими, Истиқлол йилларида барча соҳалар қатори спортимизда ҳам юксак марралар эгалланди. Ва бу эришилган муваффақиятлар тарих зарваракларидан мустаҳкам

ҳамда эркин курашчи Сослан Тигиев бронза медалларини кўлга киритди. Бу спортчиларимизнинг Истиқлолимизнинг 21 йиллик тўйига ажойиб совғаси бўлди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда ўз истеъдоди билан юқори марраларни эгаллаган спортчиларимизни халқимиз

Олимпиадасида эришилган муваффақият давлатимиз раҳбарининг спортни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори самараси эканини алоҳида таъкидлашди.

Президентимизга биз, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлик учун чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз, — дейди XXX ёзги Олимпиада ўйинлари ғолиби Артур Таймазов. — Бунга жавобан Ватанимиз шаънини янада улуглаш йўлида бор куч ва маҳоратимизни ишга соламиз.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

мой олмақда. Хусусан, Президентимиз раҳнамоларида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш даражасида давлат сиёсати масаласида эътибор қаратилаётгани, жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт инфратузилмасини шакллантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар, йўналтирилаётган катта куч ва маблағлар ўз мевасини берапти. Истеъдодли фарзандларимиз эндиликда турли халқаро мусобақалар, жаҳон ҳамда китъа чемпионтлари, Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистонимиз довуғини дунёга ёймоқдалар. Ҳар гал музаффар спортчиларимиз шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда эса гуруримизга гурур қўйилаётган.

Яқинда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини барчамиз катта қизиқчи ва ҳаяжон билан кузатдик. Албатта, бундай нуфузли мусобақаларда нуносиб қатнашиш, ғолибликка эришиш осон эмас. Қувонарлики, Лондондаги мусобақаларда ҳамюртларимиздан тўрт нафари совриндор, 14 нафари эса ўз йўналиши бўйича кучли саккизликдан ўрин олди. Хусусан, эркин кураш бўйича Артур Таймазов уч қарра Олимпиада чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Дзюдочи Ришод Собиров, боксчимиз Аббос Атоев

— Юртбошимизнинг Оксфорддаги қабул маросимида айтган самимий фикр-мулоҳазалари, тасвирлари бизга катта куч бағишлаб, янги марралар сари ундайди, — дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ришод Собиров. — Менинг энг катта максудим — Олимпиада ўйинларининг олтин медалини кўлга киритиш. Насиб қилса, 2016 йил Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган нуфузли мусобақада ана шу орузимга эришаман.

Тадбирда уч қарра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов «Малибу», XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бронза медаллари совриндорлари — Ришод Собиров, Аббос Атоев, Сослан Тигиевга “Ласетти” автомобиллари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Албатта, спортчиларимизнинг ғалабаси бизнинг ҳам ғалабамиздир. Бугун Олимпиадаларимизнинг улкан зафари турли учрашувлар, анжуманлар, ўзаро сўхбатларнинг асосий мазмунига айланган, десақ, муболага бўлмайди. Уларнинг зафари қанчадан-қанча ёшлар қалбида спортга иштиқни уйғотгани анди. Спортнинг қилишлар онига соғлом маънавий муҳитни, Ватанга бўлган муваббатни шакллантирувчи кучи ва қудрати ҳам аслида шунда.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов топширди.

Шавкат ОРТҚОВ, Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

## ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аввал хабар қилинганидек, бугун пойтахтимизда Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ҳамда Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига қаратилган масалалар кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Кеча сенаторлар ўз кўмиталари йиғилишларида ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларни дастлабки тарзда муҳокама қилдилар. Мухбиримиз уларнинг айримлари билан мулоқотда бўлди.

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

**П. МАТКАРИМОВ, Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси:**  
— Мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик шодибаналари арафасида ўтказилаётганида ҳам ўзига хос маъно бор. Зотан, бу Истиқлолнинг 21 йиллик даврида амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш, яқин истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда айна мудаодир. Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида юртимизда пировард мақсад инсон манфаатларини таъминлашни кўзлаган кенг қамровли ислохотлар рўёбга қайрилди. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Натияжада бугун ҳар бир юртдошимиз турмуш тарзи бутунлай ўзгариб, бугундан қониқиб қилинаётган, эртанги кунга ишончли юксалиб бормоқда. Энг муҳими, интилан, изланган одамлар мудом давлатимиз эътиборида. Чунончи, мен ҳам байрам муносабати билан Президентимиз фармони асосида “Шуҳрат” медали билан мукофотландим. Бу эътибор, шубҳасиз, парламент аъзоси сифатида янада фаолроқ бўлишга, ташаббускорликка, парламент юқори палатаси ялпи мажлисида кўриб

чиқилаётган қонунларда ҳудудлар ва умумдавлат манфаатлари янада тўлақонли акс этишини таъминлашга ундайди.

**И. КАРАТАЕВ, Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:**  
— Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган мақсадларга эришиш учун тақдир қилинган бир қатор қонун ҳужжатларини кўриб чиқиши кутилаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун шўлар жумласидандир. Қонунда ишчи судга қадар юритиш босқичида лавозимдан четлаштириш ва шахсини тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар чораларини кўллаш бўйича ваколатларни судларга ўтказиш, суддан жиноят ишини кўзатиш ваколатини чиқариб ташлаш, судда жиноят иши юзасидан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурор зиммасига ўқолаш на-

зарда тугилаётгани дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтининг қўлланиш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Қонуннинг маъқулланиши, шубҳасиз, суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принципларнинг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

**Х. БОЗАРОВ, Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси:**  
— Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда ўтган Сенат ялпи мажлиси кун тартибига бир қатор масалалар киритилганки, улар мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк ҳимоясини қонун билан кафолатлашга қаратилган. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида иқтисодийёт тармоқларини модернизациялаш, бозор муносабатларини жорий қилиш, хусусий мулкнинг ҳуқуқий кафолатини яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар рўёбга қайрилди. Пировардида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланиб, ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминланди. Бу ютуқлар нуфузли халқаро молия муассасалари, экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. Бундай эътирофлар, шубҳасиз, ҳар биримизга гурур, ифтихор бағишлайди. Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида кўриб чиқиши кутилаётган қонунлар ва бошқа масалалар ҳам ютуқларимизни мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади, албатта.

**Қобил ҲИДИРОВ эътибор олди.**

## «МУДИС»: ЎЗБЕКISTON БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОР

“Мудис” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишини учинчи йил кетма-кет “барқарор” деб тасдиқламоқда.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“Мудис” агентлиги экспертлари, Ўзбекистонда сўнгги 10 йилликда ялпи ички маҳсулотнинг жадал суръатларда ўсишини инобатга олиб, истиқболдаги 12-18 ой мобайнида, тўлов балансининг ижобий салдоси ва давлат ҳаражатларининг ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга йўналтирилиши натижасида, республикада иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари

сақланиб қолишини таъкидлайди. Қўллаб-қувватланаётган йўналтирилган инвестициялар депозитларни жалб қилиш ва кредитлар бериш борасида банклар орқали ўтувчи молиявий ресурслар оқимида ижобий таъсир кўрсатиб, банк тизими барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Рейтинг агентлиги, прогноз даври давомида Ўзбекистон банкларининг ликвидлик даражаси барқарор сақланиб қолишини, бунга аҳоли

ридан ишончли ҳимояланганлиги ҳамда мамлакатнинг қучли ташқи иқтисодий позициясининг мустаҳкамлиги орқали қўллаб-қувватланаётганлиги “Фитч рейтингс” агентлиги томонидан таъкидланди.

2011 йилда Ўзбекистон банкларининг жами активлари 32,4 фоизга, кредит портфели 35,6 фоизга, жами капитал 30,1 фоизга ўсиб, 2012 йилда ҳам ушбу барқарор ўсиш суръатлари давом этмоқда. Сўнгги йилларда банклар капиталининг етарлилик даражаси 23-24 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Базель кўмитаси томонидан талаб қилинадиган меъёрдан уч баробар кўпдир.

(ЎЗА).

### Тадбир

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб, “Sen Yolg'iz Emissan” республика жамоатчиликлари болалар жамғармаси ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйида “Шодлигимиз билан олам” деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

### Болаларга байрам туҳфаси

Унда жамғарма фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда вилоятдаги бошқа Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат ҳар бир болага меҳр ва эътибор кўрсатишга йўналтирилган. Зеро, бугун фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши, таълим-тарбия олиши, ўз қизиқиши ва лаёқатига мос касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шароит ҳамда имкониятлар муктаб қилинаётган.

Байрам тадбирида болажонлар учун турли танловлар ҳам уюштирилди. Ўз навбатида, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари Ватан ҳақидаги куй-қўшиқлари, сахна асарлари билан меҳмонларни ҳушуд эттишти.

— Инглиз тили ва математика фанларида жуда қизиқман, — дейди 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дилшоджон Раҳимов. — Бу ерда билимимни мустаҳкамлаш, бойитиш учун машгулотларда фаол қатнашаётман. Келажакда энг яхши академик лицей ва олий ўқув туртида таҳсил олиш ниятим бор.

Дилнавоз СОБИРОВА.



BANK IPAQ YO'LI

## «ИПАК ЙЎЛИ» ОАТБ ЖАМОАСИ

*барга юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам, асрий орзу-ниятларимизнинг рамзи бўлган қутлуғ сана ~ давлатимиз*

*Мустақиллигимизнинг  
21 йиллиги*

*билан самимий муборакбод этади!*



*Сизларга сихат-саломатлик,  
хонадонингизга тинчлик-  
тотувлик, она-Ватан равақли,  
халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу  
ишларингизда омад тилаймиз!*

## «ЎЗБЕКИСТОН»

НАШРИЁТ-МАТБАА  
ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ



азиз  
юртдошларимизни  
энг улуғ ва энг азиз  
байрамимиз —

**Мустақиллигимизнинг**

**21 йиллиги**

**билан муборакбод  
этади!**



*Обод ва фаровон Ватанимиз тараққиёти  
йўлида амалга ошираётган ҳар бир эзгу  
ишларингизда омад ёр бўлсин.  
Оилаларимиз бахту фароғати, фарзандларимиз  
камоли ҳамиша сарбаланд бўлсин.*



# UZTRANSOIL

JOINT-STOCK COMPANY

AKSIADORLIK KOMPANIYASI

*Жамоаси Жонажон  
Ўзбекистонимиз халқи ҳамда  
теҳмонларини республика  
Мустақиллигининг  
Йиллик*

*байрами билан самимий  
ва қизгин қўтлайди!*

*Қутлуғ айём ҳар бир оилага қут-барака ато этсин!  
Юртимиз тинч, Истиқлолимиз абадий бўлсин, мафтункор  
заминимиз янада гуллаб-яшнаверсин!*

*Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт,  
яратувчанлик ишларингизда улкан  
омадлар ёр бўлсин!*

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муборак бўлсин!*

